

СамИСИ Ик-312 гуруҳ талабаси С. Мухаммадиева
СамИСИ Ик-312 гуруҳ талабаси Н. Уринбоева
СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси З.Б.Усманов

**Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни
ривожлантириш истиқболлари.**

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб халқимиз фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодиётини юқори даражага кўтариш ва мустаҳкамлаш борасида давлат томонидан жорий этиб келинаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Айниқса, бутунжаҳон глобал муаммоларидан бири-аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва бунда, ер, сўв ҳамда бошқа моддий бойликлардан унумли фойдаланиш мақсадида узокни кўзлаб ишлаб чиқилган давлат дастурларининг амалга оширилиши мамлакатимиз ҳар бир фуқароси хонадонининг тўкин-сочин бўлишини таъминламоқда.

Биз ўз олдимизга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 11,7 фоизга шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини 11 фоизга ва ноозиқ-овқат товарларини 12,1 фоизга кўпайтириш, ушбу маҳсулотларни чакана савдо тармоғи орқали сотиш 14,2 фоизга ошириш вазифасини қўймоқдамиз.¹

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг сифати ва кўламини ошириш борасида Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси тизимида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги “2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1633-сонли қарори мазкур соҳани янада ривожлантиришга бевосита омил бўлди. Унга асосан “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” ҳамда “Ўзгўштсаноат” уюшмаларининг негизида ёғ-мой, гўшт-сут, қандолатчилик, пиво-алкоголсиз ичимликлар, консерва ҳамда соҳанинг бошқа корхоналарини ихтиёрий равишда бирлаштириб турувчи озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ташкил топди. Мазкур уюшма муассислари сифатида жами 122 та, шу жумладан, 39 та ёғ-мой, 46 та гўшт-сут корхоналари, 21 та консерва, қандолат ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, 16 та хизмат кўрсатувчи корхоналар рўйхатга олинди. Ўтган давр мобайнида уюшманинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасида замонавий бозор муносабатларини кенг миқёсда ўзлаштириш масаласида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Илғор халқаро тажрибани ҳар томонлама ўрганиш амалиётга татбиқ этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда техник жиҳатдан қайта

¹ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. Халқ сўзи газетаси 17- январь.

жиҳозлаш, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида жалб этилган инвестициялар натижасида уюшма таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2014 йилда 81,6 млн. долларлик 42 та лойиҳа амалга оширилди.

Умуман олганда, янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжуд корхоналарда модернизация ва реконструкция ишларининг олиб борилаётгани маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Янги, қурилган мева, шарбат, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини жорий этиш натижасида республикада 14 минг 390 та янги иш ўринларининг яратилгани фикримизга далил бўлади.

Айтиб ўтиш жоизки, республикамизда барча озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулот ҳажмида уюшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот улуши 27,9 фоизни ташкил этиши алоҳида эътирофга лойиқдир.

Бизнинг фикримизча жамиятда яшовчи ҳар бир киши озиқ-овқат товарларга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилса, инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, унинг организмида тўғри модда алмашинуви, саломатликни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, кексайиш жараёнини секинлаштириш ақлий ва жисмоний жиҳатдан камчиликларсиз ривожланишига олиб келади. Бу эса ҳар бир кишиларни ўз фаолиятларини самарадорлиги юқори даражада бўлишига олиб келади. Бундай жараён мамалакат иқтисодиётининг ривожланишини жадал суратларда тезлаштиради.

Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш замон талабидир. БМТ нинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан таъкидланишича, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, бу барча инсонларнинг хоҳлаган вақтда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда хавфсиз озиқавий маҳсулотлар билан таъминланишни англатади. Ушбу маҳсулотлар шахсни физиологик меъёрлар бўйича қониқтирилиши, унинг хоҳиш-истагига мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши шарт”. Аммо етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишини англамайди. Чунки ҳар бир инсон эҳтиёжига яраша маҳсулот сотиб олиш имкониятига эга бўлиши ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи факторлардан биридир. Жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва уни таъминлаш омиллари қуйидагилардан иборат:

- Жисмоний жиҳатдан озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имконияти;
- Иқтисодий жиҳатдан озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имконияти;
- Ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигига эришиш;
- Мавсумий ва иқлимий омилларига чидамлилиқ;
- Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаш.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатда етарли миқдорда юқори сифатли, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва аҳолининг тўлиқ рациондаги маҳсулотларни сотиб олиш имкониятига эгалиги бу озиқ-овқат хавфсизлигининг таъминланганлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда сифатли, экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш мева-сабзавот ва узумни сифатли қайта ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқингача, маҳсулотларимиз асосан МДХ мамлакатларида сотилган бўлса, энди юртимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари Европа, Осиё, Америка қитъасининг ривожланган давлатларига, хусусан, Германия, Польша, АҚШ, Голландия, сингари мамлакат бозорларига етказиб берилмоқда.

2015 йилда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш 18 фоизга ошириш режалаштирилган. 2016 йилга бориб, шартли банкада 610 миллион мева-сабзавот маҳсулотлари 2012 йилга нисбатан 1,3 баравар ортиқ, шундай тарзда 220 миллион мева-сабзавот шарбатлари 1,3 баравар ортиқ, 155 минг тонна қурилган мева 1,2 баравар ортиқ ишлаб чиқариш кутилмоқда. Бу эса ички бозор эҳтиёжини тўлароқ қондириш, экспорт маҳсулот миқдорини ошириш имконини беради.